

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК МАСЛАХАТ  
Фанидан

# ***КУРС ИШИ***

Бакалавриат йуналиши : 5141800 – педагогика ва психология

Мавзу: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Курс \_\_\_\_\_

Бажарди: \_\_\_\_\_

Илмий рахбар: \_\_\_\_\_

Бухоро –2011

**Режа:**

**Кириш**

**1 Ахлоқ ва ахлоқий тарбия тўғрисида тушунча.**

**2 Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб тўғрисидаги қарашлари.**

**3. Қадриятлар – ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида.**

**4. Бошланғич синф ўқувчилари баркамол шахс бўлиб етишувида одоб- ахлоқ мезонлари.**

**ХУЛОСА.**

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати.**

## **Кириш**

**Мавзунинг долзарблиги.** Маънавий янгиланиш – аввало ўзбек халқи бой миллий меросини холис ўрганиш, ёш авлодни ана шу кадриятлари руҳида тарбиялаш, мафкура, миллий тафаккуримизни яқин-яқин тарихимизда мустамлакачи шўролар томонидан сингдирилган карашлардан покланишни тақазо қилади. Ватанимиз Ўзбекистон ўз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида келажаги буюк давлатни бой маънавият заминида вужудга келтириш йўлидан бормоқда.

Миллий мустқиллик шароити билан маънавият тушунчаси кенг ижтимоий моҳият касб этади. Унинг моҳиятини очиб беришда Президентимиз И.А.Каримов томонидан баён қилинган фикрлар катта маърифий вазифани бажармоқда. Жумладан, маънавиятни инсоннинг ўзлигини англашда, ўзини халқнинг бир зарраси деб англашдаги ўрни, маънавиятнинг, инсонинг, жамият, давлат куч-қудратидаги тутган ўрни, маънавиятсиз ҳеч қачон бахт-саодат бўлмаслиги, бахт-саодатга эришиш учун умумий, миллий, ғоя асосида кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш зарурлиги тўғрисидаги дастурий фикрлар изчил, босқичма-босқич амалга ошмоқда.

Бошланғич синфдарда таълим-тарбия соҳасида давр талабларида келиб чиққан ҳолда янгича ёндашиш, ишни сифат, мазмун жиҳатдан тўғри ташкил этишдан иборат.

Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш бу доимий тизимликни, узвийликни, давомийликни талаб этади. Шунинг учун таълим-тарбия маънавий-маърифий ишларни янги шакл ва мазмунини бойитиб бериш талаб этилади, лекин ҳар қандай вазиятда у буюк тарихимиз, маданиятимиз, кадриятимиз, урф-одатларимиз, мустақиллигимиз, ривожланиши керак.

### **Ахлоқ ва ахлоқий тарбия тўғрисида тушунча.**

Ахлоқ биринчидан, ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб қоида бўлиб, бу тартиб қоидаларининг хатти-харакатини тартибга солиш вазифасини бажаради. («Философия», «Ўзб», 76. 45-бет). Жумладан, ахлоқ, адолат, саховат, халоват, халоллик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўз ичига олади. У бизнинг кундалик ишларимизга ва онгимизга актив таъсир кўрсатиб, жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, зулм, адолат билан адолацизлик ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман етилмайдиган ва ман етиладиган ишларни, хатти-харакатларни белгилаб беради.

Иккинчидан, ахлоқ ижтимоий фикр, онг билан жамиятда белгилаб қўйилган одамларнинг хулқ атвор қоидаларининг йиғиндиси бўлиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини, мажбуриятларни белгилаб беради. Ахлоқ одамларни жамиятдаги ахлоқий етўқ, етўқ хулқ атворининг намунаси бўлиб хизмат қилади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил етилишини таъминлайди. Ахлоқ меъёрлари хулқ атворнинг бошқарувчиси сифатида одоб меъёрларига яқин туради. Хукукга зид хатти-харакат ахлоқсиз ҳаракат деб қаралади. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради.

Учинчидан, ахлоқ фалсафий категория бўлиб, ҳар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, халоллик, олийжаноблик, меҳнацеварлик, хушёрлик, одоблилиқ, инсонпарварлик, коллективизм сингари фазилатларни шакллантиради.

Тўртинчидан, ахлоқ, ижтимоий қатламнинг, халқнинг маънавий қиёфаси, ғояси, рухиятининг характерли хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ахлоқнинг энг асосий вазифаси фуқароликни шакллантиришдан иборатдир. «Енг муҳими,-деб ёзган еди В.А.Сухомленский фуқароликни тарбиялашдир, чунки бу бутун тарбиявий ишларнинг мағзи, ўзаги ҳисобланади».

Хар бир жамият ўз фуқоролари олдига маълум талаблар тизимини қўяди. Бу аввало, инсоннинг ахлоқий фазилатларига, унинг хулқига қўйилган талаблардир. Кишилар меҳнат ва муомала жараёнида бир-бирлари билан турли туман муносабатда бўладилар. Бу муносабат жамият ва ҳар бир фуқаро олдига қуйидаги талабларни таърифлаб берадиган қонунлар, қоидалар билан тартибга солиб турилади. Бу мажбуриятлар ахлоқ талабларига кўра белгиланади. Бу талабларда ҳар бир катта ёшли кишининг, умуман, жамиятга, атрофдаги кишиларга, ўз оиласига муносабати белгиланади, инсон ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга, давлат мулкани еҳтиёт қилишга, ўз оиласининг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларни моддий жихатдан қўллаб қувватлашга, белгиланган ёши етган фарзандни мактабга юборишга ва шу кабиларга мажбурилиги таъкидланади. Жамият томонидан белгиланадиган талаблар шахс хулқини баҳолаш учун низом бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ шахснинг хулқидаги айрим ҳаракат ва одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ахлоқ ижтимоий тараққиётнинг натижасидир. У синфий ҳарактерга ега. У янги ижтимоий муносабатлар бўлиб, ватанга, халққа содиқдир.

Ўзбек мактабида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш, садоқатга асосланган энг инсонпарвар, адолатли ва олийжаноб, ахлоқининг ижобий томони тобора тўлароқ номоён бўлади. Бизнинг ахлоқимиз умуминсоний, маънавий бойликларни ҳам, кишиларнинг ахлоқий меъёрлари ва улар ўртасида эксплуатацияга қарши, озодлик ва ижтимоий тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оммаси яратган муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

-Жамоатчилик ахлоқи. Унинг асосий тамойили. “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун”, деган ғоядан иборатдир. У худбинлик, ўзини ва ўз манфаатини кўзлашни рад этади, умумхалқ жамоа ва шахсий манфаатларни ўзида уйғунлаштиради.

-Инсонпарварлик ахлоқи. У меҳнаткаш инсонни улуғлайди. У кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатни ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро

ёрдам муносабатларини, шахсий ва ижтимоий ҳаётда хайрихоҳлик, ҳалоллик, софдиллик ва камтарликни қарор топтиради.

-Фаол таъсирчан ахлоқ. У инсонни янги меҳнат ва ижодий зафарларга, тadbиркорликка, жамоа ва бутун мамлакат ҳаётида сидқидилдан иштирок етишга, янги турмуш тарзига зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқишга, миллий истиқлол мафкураси учун қатъият билан курашишга ундайди.

Ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат, жаҳонда биринчи давлатнинг тарихий ғалабаларидан фахрланиш туйғуларини байналминаллик-қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан тараққиёт ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар билан бирдамлик туйғулари ўйғун намоён бўлиши борасида бундан бўён ҳам тинмай иш олиб бораверади.

Бизнинг давлатимиз ҳар бир кишисига барча миллатлар ва елатларни бирлаштирувчи дўстлик ва қардошлик туйғуси, миллатлараро юксак алоқа маданияти сингдирилишидан, миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик кўринишларига, турмушга, янгиланишга ҳалақит бераётган урф-одатлар ва феъл-атворларга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғулари сингдирилишидан манфаатдордирлар.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ватанни ҳимоя қилишга, унинг учун бутун ўзининг куч ғайратини, агар лозим бўлса, ҳаётини ҳам бағишлашга шайлик туйғусини ҳосил қилиш ғоявий тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, мактабнинг ахлоқий тарбия соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

1. Ёш авлодни мунтазам суратда жамиятда қабул қилинган ахлоқий меъёрларга риоя қилишга ўргатиб бориш;
2. Болаларнинг ҳуққида ижобий ахлоқий одатларни шакллантириш, унинг ахлоқий тажрибалар асосида тарбиялаш;
3. Ўқувчиларни ахлоқ тамойилларини егаллаб олиш ва уларга амал қилишга сафарбар қилиш;

4. Мустақил юртимизни хар томонлама камол топган курувчиларини вояга етказиш.

Хар бир жамият ўзининг ахлоқий меъёрлар ва талаблар тизимига эга бўлади.

Жамиятимиз шахсининг она ватанга содиқ бўлиш ва унинг душманларига нисбатан мурасасизлик, текинхўрликка сира тоқат қилмаслик, меҳнатсеварлик ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча бирдамлик сингари сифатларини ҳамма нарсадан юқори қилиб кўяди. Ўқувчиларда ватанга мухаббат хислари, халққа хизмат қилиш, мустақил ғалабаларни мустахкамлаш, химоя қилиш, меҳнаткашларни бахт-саодати учун кураш туйғуси ўстирилади.

Ўқитиш ўқувчиларни ахлоқий мўқаммаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. У яна амалий фаолият билан боғлаб олиб борилади.

Шахсининг жамият ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларини кўриб чиқамиз:

- Жамиятга, ватанга мухаббат ва садоқатни тарбиялаш. Бу хилдаги муносабатлар шахсининг ватанпарварлиги, фуқаровий етўқлиги, байналминаллик фазилатларида акс этади. Унинг мақсадларида ватан бойликларини кўпайтириш, мустахкамлаш ва химоя қилишга қаратилган ишларда намоён бўлади.

Ватанпарварлик ва байналминаллик ахлоқий тарбияда алохида ўрин тутади. Диний адабиётларда “Ватанни севмоқ иймондандир”,- деб бежиз айтилмаган. Тарбиячи ва ўқитувчи болаларда ватанга мухаббат, фахрланиш, халқ ва мамлакат ютуқларидан қувониш, унинг душманларига нафрат туйғуларини тарбиялайди. Ватан равнақи йўлида халол ва фидокорона меҳнат қилишга тайёрлайди. Шахсининг ижтимоий фаоллиги ортади.

Байналминаллик ахлоқ тамойили сифатида ватанпарварликни бойитади, ўз миллий қобиғига ўралиб қолишга йўл бермайди. Барча халқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашади.

Демак, ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади.

Ахлоқ фалсафий тушунчадир. У хар бир шахс учун зарур бўлган ростгўйлик, камтарлик, халоллик олийжаноблик, меҳнацеварлик хушёрлик, одобилик, инсонпарварлик, жамоатчилик, қахрамонлик, дўстга садоқатлилик, саховатлик, интизомлик, диёнатлик, художўй фазилатларни шакллантиради.

Ахлоқ миллатнинг ижтимоий қатламининг маънавий, миллий, мафкуравий ва рухий хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши муносабати билан ахлоқ масалаларига янгича ёндашиш бошланди. Ахлоқий тарбияда ҳам миллийликка эътибор кучайди. Ўзбек халқининг маънавий мероси, миллий қадриятлари, ўтмиш анъаналаридан фойдаланиш, ўзбекона урф-одатларнинг устиворлигига амал қилиш кун тартибига қуйилди.

Дархақиқат, ахлоқий тарбияда миллий қадриятлар ва анъаналар, дин педагогикаси муҳим ўрин тутди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, совет даврида ана шуларга эътибор берилмас эди. Хатто, “дин халқ учун афюндин” шиори остида дин ва диндорларга олиб борилади. Мактаб диндан ажратилди. Хозир еса, ахвол бутунлай бошқача. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўп фикрлик, виждон еркинлиги берилди. Диннинг халқимиз маънавиятига рухиятига, тарбиясига ҳаётбахш таъсирини халқимиз кўрмоқда. Биргина мисол - Мухаммад пайғамбарнинг сўзи Хадисда шундай дейилади: “кишиларнинг яхшиси, халқа фойдалироғидир”. Ёки, “Мўминларнинг афзали гўзал хулқли кишилардир”. Бу кишиларни езгуликка чақирувчи насихатнинг қандай зарари бор. Ҳеч қандай. Ислон динининг муқаддас китоби – қуръони Карим ва Хадис башариятга яхшилик йўлини кўрсатади. Шарқ педагогикаси, халқ педагогикаси ана шу китобларга асосланган. Ахлоқий тарбияда диний адабиётлардан ўринли фойдаланиш лозим.

Ахлоқ ва фуқаро етуклиги бу ғоявийликнинг, ижтимоий фаолликнинг негизидир. Хозир мустақил Республикамиз фуқароларини шакллантириш, уларни ахлоқий ва ҳуқуқий жихатдан тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига мурасасизлигини кучайтириш, жамият ва давлат манфаатларига ғамхўрлигини ошириш, Республикамизнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида фаоллигини ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси Республикамиз Президенти томонидан олға сурилган истиқлол ва тараққиёт беш йўлини амалга ошириш учун курашиш даркор.

Мактабда болаларни ахлоқли тарбиялаш, дарс жараёни, синф ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади.

Ўқувчиларга билим, (тасаввурлар, ҳиссий, образли билимлар, ахборот, оғзаки маълумот, тушунча, умумлашган билим) малака ва одатларини берилади.

Болаларга одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча берилади. Улар ахлоқий тушунчаларни бадшай ва илмий адабиётдан, ҳаётдан, кинофильм ва спектакллардан олади. Ўқувчиларни ўз ҳуққини ахлоқий жихатдан баҳолашни биринчи сифатдан бошлаб ўргатиб бориш керак, уларни меҳнатни севиш, мулкни еҳтиёт қилиш, ҳурмат, ростгўйлик, софдиллик, виждон, камтарлик маъноларини тушиниб олсин. Бунинг учун “мардлик ва қўрқоқлик, мардлик ва олифталлик, коллектив нима, бахтни қандай тушинасиз, инсонни гўзаллиги нимада” юқори синф ўқувчилари билан “маънавий етук киши, инсоннинг қадр-қиммати, ахлоқ ва шахс эркинлиги” мавзуларида суҳбат ўтказиш маъқул.

Ўқувчиларнинг онглилик даражасини, ўстириш ўзини-ўзи баҳоласин, ўқишда меҳнатда, ҳаётда мувофақиятга еришиш ўзига боғлиқлигини тушинтирилсин.

Хафтанинг охирида “Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?”, “Ўзимни жазолашим керакми ёки муқофотлашим?” деган саволга жавоб ёзишни

тавсия килиш керак. У тарбиявий соатда ёки индивидуал суҳбатда таҳлил этилади.

Ўқувчиларни ахлоқ руҳида тарбиялаш уларда еркин фикрлилик хислатларини таркиб топтиради.

Улар мақсадга интилувчанлик, ўқиш ва ишда матонатлилик, қатъият ташаббускорлик, уюшқоклик, кийинчиликдан қўрқмаслик.

Мактаб ахлоқий тарбия беришда хилма хил методлар қўлланилади.

Жумладан:

Биринчидан, мактабдаги ўқиш жараёни юксак даражада уюштирилиши керак, буюк немис педогоги А.В. Дистервег кўрсатганидек, яхши ўқитиш билангина ўқитувчи ўқувчини яхши тарбиялайди ҳам. Баъзан ахлоқий таъсир воситалари кам кўрсатилади, ҳуқуқ учун баҳони пасайтирадилар. Одобсизлик қилишади.

Иккинчидан, ахлоқий тарбия жараёнининг мувоффақиятли ўқувчилари ва ўқитувчилар жамоанинг савиясига боғлиқ. Жамоа ахлоқли бўлса, аҳл бўлса, болалар интизомли бўлади.

Учинчидан, тарбиявий ишларни режали бўлиши ва ҳамжихатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг мувоффақиятини таъминлайди. А.С. Маккаренко 10 та юқори малакали, ўз холича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал, - дейди.

Тўртинчидан, мактабда ижобий, эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий тартиб, ҳаёт режимида риоя қилишга эришиш.

Ахлоқий тарбияда онгни, ахлоқий тушунчаларни шакллантиришда суҳбат, мунозара, лексия каби методлардан, ахлоқий одатни шакллантиришда эса машқ, болаларни турли фаолиятини юритиш методларидан фойдаланилади.

Ахлоқий тарбияда унинг натижасини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга ега. Тадбирлар сони эмас, сифат белгилайди. Баҳо ҳам тўла эмас.

Тарбияланганликни ўлчови ижтимоий активлик, талабларига ижобий муносабат, ўз ҳуқуқини баҳолай олиш, ахлоқий одатлар ва фазилатлар дейилади. Булар ўлчов бўла олмайди. Аслида ижтимоий активлиги, муомала ва алоқалари, манавий йўналиши, ҳақида, барқарор ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги – ўлчов бўла олади. Мактаб ҳаётида ижтимоий-сиёсий атестацияси ахлоқий тарбияланганликнинг аниқлаш ва баҳолашнинг бир шаклидир. Шахсни тўла ўрганиш – тарбияланганликини аниқлаб беради.

Бирор бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Баркамол авлод тарбияси катта масъулият ва қунт талаб этадиган жараён. Бу жараёнда ахлоқий тарбиянинг ўзига хос ўрни бор. Одоб (Арабча «Адаб») тарбиялилик, хушмуомалалик, ахлоқлилик, назокатлилик, интизомлилик маъноларини англатади. Одоблилик жамиятда кишилар билан муомалада ўзини тута билиш, ахлоқ, тарбия ва унинг меъёрларига риоя қилиш демакдир.

Шунинг учун ҳам, одоб ахлоқ қоидалари бундак минг йиллар олдин ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Истиқлол шарофати билан одоб—ахлоқ илми, маънавият масалаларига эътибор янада кучайди. «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунларида соғлом фикрловчи баркамол ёш авлодни тарбиялаш давлатимиз олиб бораётган ислохотларнинг бош вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мактабларимизда «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси» каби фанлар орасидан жой олган «Одобнома» дарслари ёш авлод онгида юксак маънавиятни шакллантиришга қаратилгандир. Улар орқали ўқувчи Ватаннинг

муқаддаслиги, халқимизнинг бой тарихи, маданият меъроси, миллий, диний ва умумбашарий қадриятлари ҳақида маълумотлар олади.

«Одоб саломдан бошланади!» дейди доно халқимиз. Одобнома дарси айнан шу сифатдан бошланади. Шунингдек, Қуръони — каримдаги: «Қачонки сизларга салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ; қилиб алик олганлар ёки ўша иборани қайтаринглар» каби оятлар Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик» асаридаги: «Салом бериш одам учун эминлик ва омонликдир» сингари қупинча ўғитлар билан дарсни бойитиш тавсия этилади,

Маънавий поклик эса, кўпроқ рухий гўзаллик одобини ишлатиб, инсонни хушмуомалалик, ростгуйлик, сахийлик, раҳм—шавқатлик, орасталик, ҳалоллик, тежамкорлик каби фазилатларни ўзида намоён қилади.

Хушмуомалалик вазиятга қараб кишиларга ширин сўз билан муносабатда бўлиш, бировнинг оғирини енгиллатиш, кайфиятини кўтариш тарзидир. Яхшиси ўзининг фазилатлари кўплаб мақолларда ўз ифодасини топган: яхши гап дил давоси.

Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг.

Ростгуйлик — инсонлар орасида муҳаббат ва дўстликнинг мустаҳкамлаб жамиятда, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни-амалга оширишга хизмат қиладиган жиҳатларидандир. Сахийлик кишиларга хос улуғ фазилатлардан бўлиб, ҳимматлилик кишининг қўли очик даврини ғанимат билиб келажакда ўзи, оиласи, халқи, манфаати, бахт—саодати йўлида фойда берувчи, касб хунар асосларини белгиловчи билимларни эгалламоғи лозим. Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида: «Эй фарзанд .. ҳар киши ҳар ишни қўлига олса ул ишни яхши билсин (ўргансин, билимини эгадласин) ва уни кўп варзиш (машқ, одат) қилсин, токи ул ишдин кўп наф кўргай», деб насихат қилган.

Барча даврларда ва халқарда ҳар қандай ишда, мўътадиллик ва меъёр маъқулланиб келинган.

Мақтаб таълим ва тарбияси ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни ўз олидига мақсад қилиб қўяди. АХЛОҚИЙ тарбия ҳозирги ҳаётимизгина эмас балки келгуси ҳаётимизни ҳам ўзида шакллантирган кишиларни тарбиялаш талабини қўяди.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳақл харитасида пайдо бўлиши ахлоқий тарбиянинг педагогик асосни ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбек фани ва маданияти қадимийдир. Ўзбек халқи ҳам, бошқа халқлар сингари ўзининг бой меъросига эга. Ўтмишда яшаб ижод этган мутафаккирларимиз, шоири ва ёзувчиларимиз педагогларимиз ўзларининг тарбия соҳасидаги дурдона фикрлари билан ўзбек педагогикаси назариясига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбек халқининг буюк шоири ва забардаст олими Алишер Навоий ўзининг йирик шеърӣй ва насрий, шунингдек кўпгина илмӣй асарларини таълим — тарбияга доир, келажак авлод учун муҳим. Илғор ғояларни олға сурди ва бу ғояларни амалга ошириш учун тиришди.

Алишер Навоий ақл, илм ва ахлоқ тарбияси инсоннинг энг гўзал зарурий фазилатларидан биридир, шунинг учун ҳар бир инсоннинг энг муҳим бурчи ақлий ва ахлоқий тарбия олиш тури деб ҳисобланади, шу билан бирга илмсизлик нодонлик жоҳиллика олиб боради деб саводсизликни қаттиқ қоралайди.

Алишер Навоий ўқитувчиликни факат дарс берувчи, билим берувчи кишигина деб билмай балки уста тарбиячи ҳам бўлиши керак деб ҳисоблар эди. У илм билан одобни бирга олиб боришликни, яъни ўқув жараёнида одоб ҳам бериб боришни таъкидлди ўтади.

Ёш авлодга таълим тарбия беришда етўқ ўзбек педагогларидан Абдулла Авлоний ҳам қимматли фикрларни мерос қилиб қолдирган.

Абдулла Авлониёнинг таълим тарбияга оид асарлари ичида «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асарнинг ҳар бир бўлими ақлим ва ахлоқий тарбия масалаларига бағишланган. Бу асарда таълим билан тарбиянинг узвий бирлиги тўғрисида фикр юритар экан шундай дейди: «Дарс билан тарбия ўртасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир — бири билан айрилмайдиган,- бирининг вужуди, бирига боғланган жон ила тан кабидир.»

У ватан ва оиланинг бир-бири билан узвий боғланган. «Кишини кеча ва кундуз тиндирмасдан меҳнат ва машаққатларини кўкрак кериб ишлата турган нарса ватан ва болакайларнинг меҳр — мухаббати эмасми?» Маълумки, Ватансиз оила, оиласиз Ватан бўлмайди, жамиятдаги бу икки нарса бир — бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдиради.

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташқари турли туман ишлар олиб борилади.

Ўқитувчи ўқувчилар кундалик юритишларини қаттиқ назоратга олишлари керак. Ундан «бугун қандай иш қилдим», «Бугун қандай ёмон иш қилдим», «Ўзимдаги қайси камчиликларни тузатишим керак ва қандай қилиб» деган уч бўлим бўлиши керак. Ҳафтанинг охирида «Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?» — деган саволга жавоб ёзишича тавсия этиш керак, у тарбиявий соатдан якка тартибда суҳбатда ҳал этилади.

Мактабда ахлоқий тарбия беришдаги хилма — хил методлардан намуналар келтирамиз.

1 Ахлоқий тарбия жараёнининг мувофақияти ўқувчилар ва ўқувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа аҳил ва иноқ, болалар интизомли бўлиши керак.

2 Мактабда ижтимоий эмоционал шароит яратиш керак. Масалан, республика мустақиллиги куни, Наврўз байрами ва бошқалар.

3 Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва якка тартибдаги

қоидага амал қилишларига эришиш.

4 Ахлоқий тарбияга тушунтириш, суҳбат, мунозара, маъруза, рағбатлантириш, жазолаш усулларида фойдаланиш.

5 Ахлоқий одобни шакллантиришда машқ, болаларнинг турли фаолиятларини уюштириш.

6 Мактабда турли туман адабий кечалар олимпиадалар, мусобақалар ўтказиш.

Телевидениянинг маърифий кўрсатувлари «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Маърифатнома кўрсатувларидан» фойдаланиш. Миллий дастурда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омилларидан бири сифатида «Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, Ватанпарварлик. Ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий, маданий — тарихий аъаналарни ва халқимизнинг интеллектуал меъросига ҳурмат» олинган.

Бу борада ўқувчи ёшларида Ватанпарварлик туйғусини шакллантириш муаммосини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она — Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужжасам этган, дили пок маърифатга ташна ёшларни тарбиялаш ўқитувчилар ва зиёлилар олдида турган улкан вазифа ҳисобланади,

Тупроқ — Ватан. Тупроқ неча асрлардан бери буюк фарзандларни ўз қучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. Ахлоқий, маънавий қиёфаси, аъзоларининг хулқи давлат фўқароларининг тартиб интизоми умуман одамизод ҳаётининг, турмуш тарзининг асосини ташкил қилади. Жамиятда инсонийликка хос барча ҳислат, фазилатлар тарбия орқали сингдирилади ва ривожланади. Умуман тарбия, социология тили билан айтганда одамизоднинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам жамият устунининг асосларидан биридир. Қадимдан кишилар инсон шахсининг тарбиялашнинг тўғри йўл, усуллари изланганлар. Тарбиянинг шакл—шамойиллари,

усуллари хилма—хилдир, лекин тарбиянинг энг яхши усули, бу ибрат, намуна. Ота—она болалар тарбиясида белгиловчи роль ўйнайди. Тарбиянинг бу етакчи омилига эътиборсизлик катта хатоларга олиб келмоқда. Ўзимиз қилган ишни болага қилма деб ўтираверсак, унда бошқача тушунча пайдо булади. Демак, бу тарбия усули ҳар вақт иш беравермайди. Болалар жуда кузатувчан, синчков бўлиб, у кўпроқ ота—онаси, муаллимлар қўйган ишни такрорлагиси келади. Яна нимани кўриб, нимани эшитса ўшандан ўрганади ва шунга тақлид қилади. Биз унга яхши бўл деб гапирганимиз билан таъсир қила олмаймиз.

Гапларимизга ҳамма вақт ишонавермайди. Шундай экан, тарбиянинг амалий томонлари ҳақида уйламоқ зарур.

Ёшлардан катталарнинг кўнгли тўлмаслигининг сабаби ҳам тарбиянинг тўла қонли берилмаслигидандир. Кечаги тарбиядаги нуқсон бутун бўй кўрсатиши табиийдир, Она ўз фарзанди қиз бўлса ажойиб аёл, ўғил бўлса мард, мағрур эркак сифатида вояга етишга маъсул эканлигини унутмаслиги керак. Чунки она нафақат она, ота нафақат ота, шу билан бирга улар бу ҳаёт сахнасида тарбиячи ролини ўйновчи актёрлардир.

Тарбия билан касб уйғун номоён бўлмоғи зарур, Донишмандлардан бири, «тарбиясиз инсондаги билим, бу ақлдан озганнинг қўлидаги шамширдир», деган.

Касб тарбияси ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Аммо амалий натижаси кундалик ҳаётда унчалик сезилмайди. Айниқса, баъзиларнинг касбини, ихтисослигини тез—тез ўзгартираётганлиги бунга ёрқин мисолдир. Ваҳоланки касбга нисбатан ғурур садоқат тарбияси жуда муҳимдир...

Тарбия кўп асрлик ва кўп қиррали ижтимоий жараён сифатида шаклланган ва мазмунан ўзгариб борган.. Тарбиянинг асосий мақсади фарзандларига нафақат аجدодлар анъанаси ва кадриятларини ўргатиш ҳамда. изчиллик билан, сингдириб бориш, шу

билан бирга болада мавжуд жамиятнинг қонун — қоидалари, одоб ахлоқ нормаларига мувофиқ ҳаракат қилиш, фаолият кўрсатишни ўрганиш ва тарбиялашни қамраб олган.

Ёшларга ижтимоий сифатларни сингдириш жараёни асосан оилада, сўнгра қўшни қариндошчилик муносабатлари таъсири остида, шунингдек, халқ урф одатлари расм русмлари, кадриятлари, анъаналари орқали амалга оширилган.

Севиб турмуш қуриш, севгига вафодорлик, оилавий тотувлик каби инсоний хислатлар Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек уруғлари ва элатларининг сақланиб қолган.

Айрим уруғ ва элатларда йигит билан қизни қовуштиришдан аввал ўзига хос шартларини бажариш мажбур қилиб қўйилган. Масалан ўйланмоқчи бўлган йигит қиз билан кураш тушиш одати сак қабиласининг характерли хусусияти сифатида рўёбга чиққан. Бунда агар йигит қизни йиқитса, у қиз билан тўлақонли оила қуриш, унга ҳоким бўлиш ҳуқуқига эга бўларди. Агар йиқилиб қолса, у тақдирда йигит қизга умрбод асир ва қарам бўлиб қолган эди. Албатта бу одатни салбий баҳолаш мумкин. Бироқ бўлғуси куёвга ўтин (тўнка) ёндириши одати ҳам бор эдики, уни ижобий баҳолаш мумкин. Чунки илгари ўтинсиз хонадон бўлмаган. Ўтин ёришда эса жисмоний бақувватлик билан бир қаторда алоҳида маҳорат ҳам талаб этиларди.

Ўрта Осиё халқлари маданияти ва ахлоқи тарихда. VI — VII асарлар ёдномалари катта ўрин тутди. Бундай адабий обидалардан «Ўрхун —Энасой» ёзма ёдгорликлари алоҳида қимматга эга. Ёзувдаги бош қаҳрамон Қултегин ўз халқининг асл ва жасур ватанпарвари, улуғ оқсуяги Тўнъюқ ўша даврнинг мартабали, ахлоқли кишилари сиёсатида тасвир этилган. Мазкур қаҳрамонлар туркий қабилаларни хоқонликнинг ягона иттифоқига уюштириб, кўчманчилик шароитида тўхтовсиз давом этаётган урушни

жиловлайдилар, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш учун жасорат кўрсатадилар. Бу хусусиятлар ўша давр кишиларининг ахлоқий қиёфасини ҳам белгилаб берар эди.

Ҳозирги ўзбек халқининг миллат сифатида таркиб топишида 92 уруғ, элат, ягона иттифоқи бор эканлигини ўқитувчи айтиб ўтиши ҳам ўринлидир.

## **Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб тўғрисидаги қарашлари.**

Ўзбек халқининг таркибида мазкур элат, қабила ва уруғлар иштирок этган, улар Ўзбекистоннинг бир ёки икки жойида эмас, балки бутун Туркистон ҳудудида яшаганлар, Шу боисдан ҳам уларнинг турмуш тарзларида айрим фарқлар кўриниб туради. Бу ҳол фақат қадимги даврлар учунгина хос бўлиб қолмай, балки унинг баъзи бир унсурлари ҳозир ҳам яшаб келаётганлиги билан ҳам белгиланади. Масалан: Тошкент шаҳри билан унинг вилоятида яшовчи аҳоли. Фарғона водийсининг турли районларида истиқомат қилувчи ўзбекларнинг никоҳ тўйларида ўзига хосликлар мавжуд.

Биробарин оила ахлоқи турмуш маданияти, никоҳдан ўтувчи ёшларнинг ахлоқ одоби қандай бўлиши, оилада йигит ва қиз қандай тарбияланганига боғлиқдир.

Ёшларнинг бахтли бўлишлари учун тўғри тарбия топиш зарурлигини уқтирган алломалар ўзларининг билимлари катта ҳаётий тажрибаларига суяниб одобномалар, насиҳатномалар ва ахлоққа доир қимматли асарлар қолдиришган.

**Абу Наср Форобий.** Мутафаккирнинг дунё қараши табиий ва ижтимоий фанларнинг энг долзарб муаммоларини ечишга қаратилаган. У улуг математик ўткир шифокор буюк табиатшунос, атоқли файласуф, юксак дидли тарбиячи ва кўзга кўринган ахлоқшунос ҳам эди. Тарихий манбаларга кўра Фаробийнинг 70 дан ортиқ тилни билгани ҳақида ҳам ривоятлар бор.

Форобий инсон ахлоқи ҳақида гапирар экан, у ахлоқни жамоа меҳнатисиз тасаввур эта олмайди. Биргаликда меҳнат қилиш жамиятни вужудга келтирган декхон ахлоқни ҳам жамият меҳнати яратади. «...хар бир киши бошқасига унинг яшаши учун зарур бўлган нарсанинг, — дейди олим, — бир улушини етказиб берадиган

жойда бир — бирига кўмаклашувчи. Кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина инсон шундай камолотга етишиши мумкинки, у ўз табиатига кўра ана шундай камолотга муносибдир. Бундай жамият барча аъзоларнинг фаолияти жам бўлиб, ҳар бир киши яшаши ва камолотга эришиш учун нимага мухтож бўлса, шуларнинг ҳаммасини етказиб боради.

Шу сабабли одамлар кўпайишиб дунёнинг кишилар яшайдиган қисмида ўрнашди, бунинг натижасида эса кишилик жамиятлари пайдо бўлди...» шунга кўра у жамиятнинг ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятисиз тасаввур эта олмасди.

Фаробий бахт тушунчасини кишиларнинг турмушидаги саодатга эришуви, деб тушунади. Яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждон номус ва адолат каби категориялардан фарқли ўлароқ, яъни умумийлаштирилган бахт категориясининг янги қирраси. Майдонга чиқади у бошқа барча категорияларни ўз ичига олади. Унинг фикрича, — "бахтта эришиш учун фойдали бўлган ҳамма нарса ва бахтга эришилишида ишга солинадиган ҳамма нарса... яхшиликдир... ва бахтга бирон — бир даражада тўсқинлик қиладиган ҳамма нарса — мутлақо ёмонлик "дир. Фаробий ахлоқнинг билим билан муштараклигини асослаб беради. Унингча, билимлар инсонни яхши ахлоқли, саховатли ва ақл — идрокли қилади. Инсон билимсиз ўзи кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Яхши инсон бўлиши учун одамда имконият бўлмоғи зарурлиги кўрсатилади: таълим ва тарбия олиш имконияти борлиқ туфайли таълим олиш ҳамда тўғри тарбия топиш керак. Бунда тарбия — бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий кадр-қимматини ва одобда амалий фаолиятини яратишга олиб борадиган йўл, деб таърифланади. Олим таълим — тарбияни устоз беради, дейди.

Фаробийнинг "қаттиқ" ва "юмшоқ" тарбия усулларидаги қарашлари ҳозирги замон ахлоқ нормасига яқин туради. Чунончи, тарбияланувчилар фан ва хунар ўрганишга мойиллик билдирсалар, тарбиячи уларга нисбатан "юмшоқ" усулни агар мабодо ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, уларга нисбатан "қаттиқ" усулни қўлланиши айтилади. Лекин Фаробий ўзининг бу соҳадаги ахлоқий қарашларини устоз нуқтаи назаридан қуйидагича ўринли талқин этади: "Устозга келганда, у шогирдига жуда қаттиқ зуғм қилишига ҳам, ҳаддан ташқари кўп ён беришга ҳам интизмаслиги лозим, чунки ортиқча зуғм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади; борди—ю, шогирд устозининг жуда ҳам юмшоклигини пайкаб колса, бу ҳол унда устозни менсимасликка ва ундан ҳамда у берадиган билимдан совушга олиб келади.

Абу Райхон Беруний — жаҳон ақл — заковати, тафаккур илми тарихида алоҳида ўрин тутган буюк мупфаккир. У фаннинг математика, астрономия, астрология, жугрофия, геофизика, астрология, математика, геофизика, археология, антропология, философия, миъерология, ижтимоий соҳаларнинг йирик билимдони эди. Унинг кўпчилик асарларида инсоннинг ахлоқ ва одоби хусусида мўқаммал фикрлар баён этилган.

Мутафаккирнинг «Минерология», «Геодезия», «Хиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари» номли йирик асарларида инсон шахси, унинг ахлоқий камолоти, ақл — идроки, ҳаловат ва лаззат, сабр — тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва жўшқинлик каби тушунчаларга тафаккур илмининг етўқ билимдони сифатида таъриф беради.

Ташқари инсоннинг гўзаллиги ва поклигини ҳам таъминлайди — дейди.

Ахлоқ —одоб эгаси бўлувчи инсон энг аввало ўзининг юриш — туриши, муоамала маданиятида, ҳаёт кечиришида, оила барқарорлигида

намуна бўлиш кераклигини уктиради: «Инсон ўз эҳтиросларига ҳўқмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жихатларини мақтагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста — секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир».

Маълумки, табиатда, инсон ҳаётида барча нарсалар муайян ўлчов асосида қурилган. Берунийнинг фикрига, ҳар бир одам анна шу ўлчов, меъёр қонуниятларига жиддий амал қилиб, маромида ҳаракат қилсагина Она табиат инъом этган - имкониятлардан ўз манфаатлари учун оқилона фойдалана олади.

**Абу Али Ибн Сино.** Шарқ ва Ғарбий Европа фанида Абу Али ибн Синонинг номи кўп тилган олинади. У буюк қомусий олим сифатида таббиёт, риёзиёт (математика), фалакиёт, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик, физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бадий тарбия каби кўплаб фанларнинг етўқ билимдонидир.

Мутафаккирнинг каламига мансуб бўлган «Донишмнома», «Рисолаи ишқ», «Тиб қонунлари» каби асарлар Ўрта Осиё ҳақларининг ахлоқ— одоби, психологияси ва табобат илмида алоҳида ўрин тутган йирик тадқиқотлар ҳисобланади.

Ибн Сино ахлоқ маданияти ҳақида гапирар экан, ахлоқ — бу инсоннинг ўз —ўзини идора қилиши ҳақидаги фан, унинг ўзини кузатиш ва ўзгаларнинг хулқ, —атвори, одоби ва юриш —туришига таъкидлаган. Унинг фикрича, ахлоқ бахтли бўлиш учун инсон ўз ахлоқий одатлари ва ҳатти—ҳаракатларида қандай бўлиши лозимлиги ҳусусидаги фандир. Олий Ўрта Осиё халқлари ҳаётини чуқур ўрганиш орқали уларнинг ахлоқ маданиятидаги умумийлик ва ўзига ҳосликларни белгилайди; анъаналар, одатлардаги муштараклик — туй

маросимлари, маъракалар, турмуш тарзларига кенг тўхталади. У ахловда. доим кўплаб муаммоларни одамнинг руҳий ҳолати ва маънавий хоссаларнинг ҳис — ҳаяжонли пайдо бўлиши асосида талқин этади.

Ибн Сино «Энг юксак севги — бу инсоният севгиси бўлиб, бундай севги кишини саховатли қилади, уни оққўнгил ва жозибали кишига айлантиради» деб таъкидлайди. Мутафаккирнинг талқин этишча, севги инсон зиммасига жуда катта ахлоқий ва ҳуқуқий маъсулият юклайди. У инсон бахтининг тегизи деганда, ошиқлик эмас ошиқ — машуқлик билан оила қуриш турмуш мустаҳкамлигининг асоси сифатида таъкидланади.

Алломанинг ахлоқ—одоб, поклик ва тўғри ишлаш, ҳалоллик, инсофли ва адолатли бўлишни, хушмуомала ва ширинсуханликни одат қилшни, нафсга берилмаслик, фозиллар, суҳбатидан базфаманд бўлиш; катталарнинг иззатини жойига қўйиш, кичикларга шафқатлилик, самимий дўстлик, муҳтожларга ёрдам бериш ва инъом-эҳсон қилишни унутмаслик, нодонларга насиҳат, маслаҳат бериш каби фазилатларни, барча эзгуликнинг асоси эканлигини таъкидлайдир.

Хаётда инсон саломатлиги оилавий муаммолар учунгина эмас, балки ижтимоий масалаларни соғломлаштириш ҳам муҳим эканлигига эътибор қаратилади. Олимнинг «Ўржуза», «Тиб ҳақида шеърӣ асар» ва «Юрак дорилари» асарлари эса инсоннинг турмушдаги катта аҳамиятга эга бўлган сифат — саломат яшаш хусусидаги масалаларга тўхталади.

Юсуф Хос Хожиб. XI —асрнинг атоқли шоири ва буюк мутафаккири Юсуф Хос Хожибдир. Донишманддан бизгача етиб келган асари — саодатга элтувчи билим — «Қутадғу билик»дир. Агар ўша давр адабиёти ҳамда адабий тилнинг Нодир обидаси ҳисобланади.

Унда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ижтимоий — сиёсий ва ахлоқий — таълимий қарашлари ўзининг бадиий ифодасини топган.

Достон туркий тилда битилган бўлиб, замонасининг одоб, ахлоқ ва яхшилик томон етакловчи одобномаси эди. Шу сабабли асар турли халқушр ва мамлакатлар орасида («Хўқмдорлар пандномаси») демишлар». Куринадики, буларнинг барчаси феодал тузими даври идора ишлари ва халқнинг ахлоқ — одоб қоидаларига доир экан. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Хожиб ёзган эди.

Китоб ати урдум «Кутадоғу билиг».

Кутадоғу улуғлика тутсу элиг.

Бу байт олим К. Каримов томонидан «Китоб отини “Кутадоғу билиг” куйдим; ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутгин» деб ҳозирги ўзбек тилига ағдарилади. Дарҳақиқат, ҳар ким ушбу китобда тилган олинган ҳислатларга, фазилатларга эга бўлса, ундаги панд — насиҳат, йўл — йўриқларга амал қилиб иш кўрса, бахт —саодат унга ёр бўлади» деб ишонч билдирилади.

**Маҳмуд Қошғарий.** Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ўз даврининг мутафаккири, фозили эди. У араб, форс тили ва адабиётининг пухта билимдони, туркий халқлар, элатлар ва қабилаларнинг урф —одатлари, тилини атрофлича ўрганган олим сифатида машҳур эди. Айниқса, Маҳмуд Қошғарий етўқ элшунос (этнограф) ва тилшунос олим сифатида тинимсиз изланди. Бу тўғрисида унинг ўзи қуйидагича ёзган эди:

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, ягмасар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим. Луғатларни тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқладим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим, у булмаса мен тилда мутахассисларидан, хуш фаҳмларидан, эски

қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим» Унинг сақланиб қолган ягона йирик асари бўлмиши «Девону луғатит турк» (3 том) ҳозирги замон туркий халқлари учун эмас, шунингдек, жаҳон тилшунослик илмида Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи ўтмиши, тарихи, тили ва маданияти соҳасида асосий манбалардан бири бўлиб келмоқда.

Маҳмуд Қошғарий зўқко тарихчи сифатида ижодий изланиб, ўзбек, хусусан туркий қабилаларни ўрганишда тарихийликка амал қилди. XI асрда қарлуқлар, тангутлар, басмил каби қабилалар ва уларнинг узаро фарқлари ҳамда тил хусусиятларини, урф — одатларини кўрсатиб берди, Булар катта тарбиявий аҳамиятга эга эди.

Олим ушбу асарида, уша пайтларда бутун Туркистон доирасида чўзилган катта ҳудудда яшовчи уруғлар, қабалалар, ҳақлар ва уларнинг тилларини шева лаҳжаларнинг ўзига хос фонетикаси, морфологияси ва лексикасини тилшунослик нуқтаи назарида таҳлил қилиб бердики, бу нарсa текширишнинг ҳозирги замон методини ўрганишда ҳам ибратлидир.

## **Қадриятлар – ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш воситаси сифатида.**

Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф инсоннинг маънавий камолоти учун беқиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Шарқ мутафаккирлари, олиму уламолари томонидан асрлар давомида одоб-ахлоқга оид минглаб китоблар, хикматлар яратилган. Афсуски, тоталитар тузум томонидан олиб борилган сиёсат туфайли улардан халқимиз махрум қилиб қўйилган эди. Эндиликда, истиқлол шарофати туфайли бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар юзага келмоқда. Айни вақтда халқимизнинг миллий қадриятларимизга қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Шунинг ҳисобга олган ҳолда жумҳуриятимизда кейинги йилларда мазкур масала бўйича ўтмишда араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган адабиётлар ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларимизга хавола этилмоқда. Ўзбек олимлари, шоирлари томонидан ҳам одоб ахлоқ масалаларига бағишланган кўпгина асарлар нашр қилиняпти.

Мазкур адабиётларда инсон туғилганидан тортиб то бандаликни бажо келтирганигача амал қилиши керак бўлган қоидалар, маслаҳатлар ўз аксини топган. Масалан, биргина шариат қоидаларининг ўзида мусулмонлар амал қилиши зарур бўлган 934 та талаб мавжуд. Шулар орасида инсонпарварлик инсонни ҳурмат қилиш ва улуғлашга қаратилган ғоялар алоҳида эътиборга сазовордир.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улуғланиб, мадҳ этилиб келинган. Одамийлик—бу кишининг бошқа одамларга, уруғ-аймоғига меҳр-шафқат кўрсатиши, яхшилик қилишини, инсонпарварлик муносабатларида бўлишини тақозо этадиган фазилатдир.

Юсуф Хос Ҳожиб одамийликни қуйидагича мадҳ этади:

*Сенга ким қиларкан одамгарчилик,  
Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.  
Вафога вафодор кишилик ҳаққи,  
Вафо қил, одил бўл, жам олмангулик.*

Алишер Навоий одамийликнинг асл мақсадини шундай таърифлайди:

*Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами.*

Кимки халққа қандай муомалада бўлса халқ ҳам унга шундай муомалада бўлади, «сен халққа қанча аралашсанг халқ ҳам сенга шунча ёндашади», деган нақллар бежиз туғилмаган.

Давлат арбоблари учун халқпарварлик — бу энг аввало ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, уларнинг эҳтиёжини қондириш, барча ижтимоий қафолатларини адо этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллий тотувликни таъминлаш демакдир. Инсонпарварлик, халқпарварлик айна вақтда ватанпарварлик ҳамдир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмуни ва моҳиятида, усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Мактабларни миллийлаштириш бошланди. Таълим-тарбияга миллий қадриятларни жорий этиш асосий ўрин эгаллайдиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериладиган бўлди.

Билимни севиш ва ардоқлаш, олиму фузалоларни, устозларни ҳурмат қилиш, мардлик, одамийлик, камтарлик, адолат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик каби инсоний фазилатларни улуғлаш борасида ҳам ибрат бўладиган ажойиб қадриятларимиз кўп.

Билим ва заковатнинг қиммати, жамият тараққиёти ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти учун аҳамияти шу қадар каттаки, уни таърифлашни адо қилиб бўлмайди. Билим энг катта бойлик эканлиги, дунёда ундан қадрлироқ ҳеч нарса йўқлиги тўғрисида қадимги ҳинд достони «Калила ва Димна»,

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Тушиома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутағду билик» Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Алишер Навоийнинг «Ҳамса» каби жа-ҳонга машҳур асарларида бир-биридан муҳим, бир-биридан сермазмун фикрлар баён этилган.

Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизнинг ғоявий-маданий савиясини янада оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун ёшларга миллий қадриятимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни янада чуқурроқ ва тўлароқ ўзлаштириб олишга ҳар томонлама кўмаклашиш билан бир қаторда ўтмишда кенг қўлланилган сиёсий оқартув ишларини жонлантириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда, меҳнат жамоаларида шароитга қараб камида ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказишни тиклашимиз зарур, деб ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда жумҳуриятимиз ва жаҳон халқлари ҳаётида ўта мураккаб жараёнлар ва ҳодисалар рўй бермоқда. Улар ҳар бир кишидан ниҳоятда эҳтиёткорликни, зийракликни, хатти-ҳаракатларини пухта ўйлаб, узоқни кўриб амалга оширишни талаб этади. Бунга сиёсий ўқув орқали эришиш мумкин. Юксак маданиятли, маърифатли, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий, ғоявий-сиёсий етўқ инсон—давлатимиз хавфсизлигини, мустақиллигини таъминловчи куч эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариб бўлмайди!

Миллий қадриятлар билан кифояланиб, жаҳон маданияти, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини ўрганишдан бутунлай воз кечиши мумкин эмас. Дунёдаги бирор халқ ўз миллий маданияти, бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Миллий худбинлик йўлидан бориш ҳеч кимга наф келтирган эмас. Миллий манфаат, миллий маданият қобиғида чекланиб қолган инсон ўзини ҳам, халқини ҳам тўла камол топиш имкониятидан маҳрум қилади. Фалсафий дунёқараш ва маданиятга эга бўлган инсон миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни бир биридан ажратиб ташламайди, уларни диалектик бирликда олиб қарайди. Шу

сабабли ана шу бирлик, ўзаро бойиш ҳисобигагина жаҳон халқларининг маданиятлари, умуминсоний қадриятлар ривожланиши мумкин.

Бугунги кунда ҳам ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда, нимаки янги ва илгор жиҳатлар бўлса шунга дадиллик билан интилоқда. Бунда айниқса мусулмон халқлар томонидан тўпланган тажрибалар ва қадриятлар қўл келмоқда.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган нарсалар эмас. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сийсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, таъсирида миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб туради. Натижада муайян бир вақтда сунъий ва мажбурий равишда ҳалдимиз қастига киритилгай айрим қадриятлар аста-секин аҳамиятини йўқотиб, барҳам топиб кетиши мумкин. Шунинг билан бир қаторда халқимизнинг минг йиллар мобайнида қадрланиб келинган, аммо ғайриинсоний мафкура туфайли унутилиб кетган байрамлари, анъаналари қайтадан ўз қаддини кўтариши мумкин. Шунингдек турли халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши туфайли ҳар хил миллат ва элатларнинг қадриятлари бир-бирига таъсир кўрсатиб, бойиб бориши ҳам табиийдир. Айрим ҳолларда эса янги қадриятлар шаклланиб, турмушга сингиб кетиши ҳам кутилади.

Ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг бахт-саодати қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб вазиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни янада яқинлаштириш ва таълим тарбия жараёнида ундан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Қадриятлар жамиятимизнинг чексиз ва туганмас бойлигидир. Уни авайлаб сақлаш, ёш авлод тарбиясида ундан оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, оиладаги ўзига хос урф-одат ва анъаналар, оила бошлиқлари – ота ва оналарнинг тарбия ҳақидаги тасаввурлари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ педагогикасида мужассамдир. Қабил аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик хусусиятларини шакллантириш ва ўстириш соҳасида орттирган билимлари, ақл-идроқи ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида бизнинг даврга қадар етиб келди ва халқ педагогикаси шаклида таркиб топди.

### **Бошланғич синф ўқувчилари баркамол шахс бўлиб етишувида одоб- ахлоқ мезонлари.**

Ўзбек халқининг миллий педагогик маданиятида ўзига хос хусусиятлар, турмуш тарзи, қадриятлари бебаҳо маънавий сарчашмасидир. Уларни ўрганиш орқали болалар миллий-маданий фазилатлар – эҳсон, садоқат, ўзаро ёрдам, ширинсўзлик, тавозе, меҳр-шафқат, ҳаё, мурувват, вафо, ахлоқ-одобнинг хушхулқ одамларда мужассамланиши, ярамас иллатлар - хирс ва бахиллик, такаббурлик, адоват, чақимчилик, ҳасад, мунофиқлик, манманлик ёвуз хулқли одамларда бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Халқ педагогикасида ахлоқ тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир халқ, элат, жумладан, ўзбек халқи ўзига хос ахлоқ қонун-қоидаларини яратди. Инсонийлик - ахлоқ қонуниятининг негизи ва ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашда асосий мезон бўлиб ҳисобланди. Шунга кўра, инсонга бўлган муносабат халқ томонидан яратилган эртақ, ҳикоят, мақолларда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг гўзал ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасидаги ўзаро яхши муносабат, дўстлик (“Кучли бўлай десанг – дўстлар орттир”), ота-онага садоқатли бўлиш (“Ота олдидан ўтма, одоб олдидан кетма”), Ватанга ва элга содиқликни (“Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф”, “Юрти борнинг бахти бор”, “Эл сенга чўзса қўл, унга доим содиқ бўл”, “Элга хизмат – олий ҳиммат”) сингдирган.

Халқнинг халқчиллик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, тинчлик ҳақидаги фикр ва орзулари ифодаланган мақол, топишмоқ, қўшиқ, латифалар болалар тарбиясида муҳим тарбиявий восита бўлди.

Халқнинг миллий хусусияти, яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, дунёқараши, руҳияти ифодаланган бу маънавий бойликлар ёшлар тарбиясида туганмас манба бўлиб хизмат қилди.

Халқимиз болаларни ёшликданоқ шу гўзал фазилатларни эгаллаб олишларига аҳамият бериб келди, яратган мақолларида Ватанга, ўзи туғилиб ўсган жойга бўлган чексиз муҳаббат ва ёш авлод эгаллаши зарур бўлган фазилатларни ифодалади. Ўзбек халқи ўз Ватанида яшашни ҳақиқий бахт деб билди, Ватанни она тимсолида тасаввур этди:

Она юртинг омон бўлса,

Ранги рўйинг сомон бўлмас.

Она юртинг – олтин бешигинг.

Она ернинг тупроғи она сутидек азиз.

Халқ доимо тинчликни орзу қилган, жамоада тинчлик, осойишталик бўлиши учун четдан бўлган ҳужумларга қарши мардона курашган. Бу курашларда хотин-қизлар ҳам иштирок этганлар.

Ўзбек халқида қиз болани шарму ҳаёли қилиб тарбиялаш оиланинг муҳим вазифаси ҳисобланган.

Тарихнинг барча давларида (ҳозирги даврда ҳам) ахлоқий тушунчалар улуғланган, бу тушунчаларни ўзлаштирган ва хатти-ҳаракатларида намоён этганлар гўзал хулқли кишилар ҳисобланган. Халқ қоралаган иллатларни ўзига одат қилиб олганлар ёмон хулқли, ёвуз одамлар деб аталган.

Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг олдида фарзандлик бурчини адо этиш, хизматларини бажариш барча учун фарз бўлган. Ота-оналар эса болаларига кишиларни, ўртоқларини ранжитувчи сўзлар айтиш, кўнглини қолдирадиган ишлардан сақланишни уқтирганлар.

Ўтмишда ота-боболаримиз тарбияда насихат, тушунтириш, рағбатлантириш, макташ, намуна кўрсатиш, танбеҳ бериш, таққлаш, мажбур қилиш каби усуллардан фойдаланганлар, бу усулларни қўллашда ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда қилган иши, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида болада ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилганлар. Унга ахлоқлилик ва ахлоқсизлик, одиллик ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг маъносини тушунтирганлар. Бу тартиб тарбияда асосий қоида ҳисобланган. Тушунтиришда болаларнинг ёши ҳисобга олинган.

Халқ донишмандларининг насихати, маслаҳатларидан баҳра олиб улғайган болалар ахлоқ, одоб, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онага ҳурмат, тавозе каби гўзал фазилатлар ва ёмон ахлоқий хислатлар ўртасидаги аниқ фарқни чуқур ҳис қилганлар.

Бир донишманддан:

- Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди? – деб сўрадилар.
- Бахиллик, - деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

- Қайси яхши ҳунар ҳамма айбни босади?
- Сахийлик, - деди донишманд.

Донишмандлардан бирининг хузурига бир одам келиб, дўст топиш мушкуллигидан зорланди. Донишманд унга деди:

- Сенинг ранж, аламингни баробар тортадиган, шодлигинга қувонадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатадиган тасодифий дўстлар эса жуда кўп.

- Агар ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?

- Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини ўзинг ва ишинг билан кўрсат, дўстнинг сирини ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма, дўстнинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер, унда бирор айб содир бўлса, ҳоли жойда айбини айтиб, юмшоқлик билан насиҳат қил. Агар дўстнинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, ундан миннатдор бўл. Дўстинга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма, дўстнинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқазишга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-онаси ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл.

- Тасодифий дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим?

- Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганча яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор қилма, улар ёнида ҳар хил сўзлар айтишдан тилингни тий, уларни юзаки муомала билан хурсанд қилиб, кўнгилларини ўз тарафинга мойил қил, улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошна-оғайнилардан унинг ҳол-аҳволини сўра, мол-ашёларингни улардан аяма, ўз аҳволингни яширин тут.

Бир донишманднинг шогирди устозидан сўради:

- Ота-онам вафот қилганлар. Энди нима қилсам уларнинг ҳақларини тамом адо қилган бўламан?

- Ота-онангнинг васиятларини бажо келтир, дўстларини, ёру биродарларини иззат-хурмат қил, ака-ўқаларингга, қариндош-уруғларингга муҳаббат боғла, қўлингдан келганича уларга ёрдам бер, ўзинг тарбия, адаб доирасидан четга чиқма!

Фарзанд вояга етиб мустақил турмуш қургунча, ота-она қўлида омонатдир. Ёш бола гавҳарга ўхшаш оппоқ, мум каби ҳар нақшни қабул қилади. Шунинг учун ота-она ўз фарзандларини болалик чоғларидан бошлаб ахлоқ, одоб, тарбия қоидаларига мувофиқ парвариш қилишлари лозимдир.

Эй фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хуш ҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

Ислом динида барча одам кўркам ахлоқ-одобли, инсонпарвар, меҳнатсевар, саховатли ва мурувватли бўлишга, яхшилик ва эзгуликка чорланади.

Қуръонда яхшилик қилиш Аллоҳга ихлос қилиш билан баробар эканлиги айтилади.

«Раббинг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас. Уларга «уфф» дема. Уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт. Икковларига меҳрибонлик ила ҳокисорлик қанотингни пастлат ва «Раббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», – деб айт» («Исро» сураси, 23-24-оятлар).

**Ширинсўзлик** ҳаётда яхши муваффақиятларга эришишда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун илмда, таълим-тарбияда ҳам ширинсўзликка алоҳида аҳамият берилади, Аллоҳ одамларни ширинсўз бўлишга даъват этади: «Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинлар. Албатта,

шайтон ораларини бузиб турадир» («Исро» сураси, 53-оят), «Ва одамларга яхши гаплар айтинг» («Бақара» сураси, 83-оят), «Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлинг. Агар қўпол, қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар» («Оли имрон» сураси, 159-оят).

**Олижаноблик** – инсонни камолотга етакловчи энг гўзал фазилят. Бу фазилят инсониятга хизмат қилишни истаган улуғ ҳимматли кишиларга хосдир.

Олижаноблик жамият аъзолари орасида ўзаро меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам, Қуръонда бу сифат мақталган: «Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир» («Ҳашр» сураси, 9-оят).

**Афв** ҳам гўзал сифатлардан бири. У билан зийнатланган, улуғ ақл соҳиби бўлган инсон бошқалар қилган ёмонлик, душманликни бардош билан кечира олади – афв қилади. У ёмонликни яхшилик билан бартараф этгани учун, ёмонлик қилган одамдаги душманлик дўстликка айланади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ Қуръонда афвни юқори баҳолайди.

«Ва агар афв этсангиз, кўнгилга олмасангиз ва айбларини кечирсангиз, бас, албатта Аллоҳ кечиргувчи ва раҳмдил зотдир» («Тағобун» сураси, 14-оят).

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен ёмонликни яхшилик ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди содиқ дўстдек бўлур» («Фуссилат» сураси, 34-оят).

«У (тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган одамларни (камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» («Оли имрон» сураси, 134-оят).

«Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир» («Шўро» сураси, 37-оят).

**Сабр** ҳам ахлоқий фазилатлардан бўлиб, у инсон учун руҳий таянчдир. Сабр инсон қалбига сўқунат ва хотиржамлик бахш этади, қайғу-алам етказаётган дардга даво бўлади. Шу жиҳати билан у инсон қалбида бошқаларга яхшилик қилиш ҳиссини оширади. Шунга кўра, сабр Қуръонда 70 ўринда зикр қилинган.

«Албатта, биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлаймиз» («Наҳл» сураси, 96-оят).

«Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар биландир» («Худ» сураси, 115-оят).

**Садоқат** – жамият тараққиёти, халқ фаровонлигининг рамзи. Садоқат оила осойишталиги, таълим-тарбия ривожига ҳам асосий омилдир. Садоқат туфайли одамлар бир-бирларига ишонч билан яшайдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ одамларни садоқатлилик фазилатини эгаллашга чорлайди: «Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглари ва содиқлари ила бирга бўлинглар» («Тақво» сураси, 119-оят).

**Эҳсон** – бировларга фазлу каромат кўрсатишдир. Эҳсон инсон руҳиятига таъсир қилиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам Қуръонда одамлар ўз неъматларидан бошқаларга эҳсон қилишга чорланади: “Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг” («Ал-Исро» сураси, 26-оят).

**Манманлик, кибрланиш** - ижтимоий разолатлардан бири. У инсонлар орасига айрилиқ ва адоват солади. Кибрли одам ўзидан бошқаларни менсимайди, ўзини ҳаммадан юқори санаб, садоқат, мақтовни хуш кўради. Шу қабих хислати билан жаҳолат ботқоғига ботади.

Қуръонда Аллоҳ айтади: «Ер юзида кибрланиб юрмагин. Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан» («Ал-Исро» сураси, 37-оят). «Одамларга (кибрланиб) юзингни

буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин. Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мактанчоқ кимсаларни севмас» («Луқмон» сураси, 18-оят).

«Эй Довуд, дарҳақиқат биз сени ерга халифа қилдик. Бас, сен (нафсу) ҳавога эргашиб кетмагин. Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун, ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли, қаттиқ азоб бордир» («Сод» сураси, 26-оят).

**Ҳасад** – ахлоқий разолатдир. Ҳасад инсондаги энг қабих ҳислатлардан бири бўлиб, инсоннинг осуда ҳаётини бузади. Чунки, ҳасадгўй доимо ўзидан бошқаларга бахтсизлик тилайди.

Ҳасадгўй ўзига етган яхшиликдан ҳам азоб чекади.

У бировга ҳам, ҳатто ўзига ҳам ишонмайдиган, мақсадига етишга илож топа олмайдиган шахсдир. Шунинг учун ҳам, Қуръонда одамлар ҳасаддан қайтарилади: «Аллоҳ бирингизни бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг. Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар. (Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳнинг фазлидан сўрангизлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир» («Нисо» сураси, 32-оят).

Бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интиломқда. *Ўзбек диёрида тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими – инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади.*

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир.

Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб ҳолда қолдиришдир.

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир.

Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сихат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар, ботирларга азалдан бой ҳамда уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда.

Болаларга ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак.

Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва “темир парда”дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-бақадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

*Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириши – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.* Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзалигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз

халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур.

Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик... — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг.

Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Миллий маданиятнинг ўзига хосилигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак.

Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлўқсиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

*Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.*

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топомқда.

Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон улкан ишлар қилишга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг ор-номусига, чуқур эҳтиромига, инсоннинг виждонига, бурчига ва сўзига содиқлигига бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди.

Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга, умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги – ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир.

Инсон гўзаллиги руҳий маданиятнинг сифатига ҳам боғлиқ. Руҳий маданият чегараси ва имкониятлари жуда кенг. Озода кийинишдан тортиб, ўқиган китобларининг сифати ва унда қолдирган таассуротларининг чуқурлигигача, одамларга муомаладан тортиб, табиат гўзалликларини ҳис қила билишгача бу тушунча доирасига кириб кетади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда болаликда берилган тарбия, боланинг бутун ҳаёти давомида абадий йўлдош бўлиб қолаверади.

Инсондаги гўзаллик — бу табиат ато қилган ҳусн. Мол— дунёдан ташқари, яна энг яхши хулк, атворни, энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одамийликдан ҳам иборатдир.

Шуни айтишимиз лозимки, одобли, юксак маданиятли, меҳнатсевар ёшлар жамиятимизнинг энг ишончли кишиларидир. Улар билан суҳбатда бўлиш ҳар қандай кишини ҳам қониқтиради. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, совуқ муамалали, ўзининг тор маърифатини ёшликдан ўйлайдиган «бетимнинг қаттиғи, жонимни ҳузури» дейдиган айрим ёшлар ҳам орамизда бор.

Бас шундай экан биз ахлоқий тарбия, ахлоқий суҳбатларимиз - бошланғия синфдан йўлга қўййлик.

Мактаб бўйича ота — оналар билан бирга алоҳида семинарлар ва маслаҳатлар ўтказиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тарбияга муҳтож оилаларга маънавият соҳиблари тез-тез бориб турса ёки мактабда ҳафтанинг маълум бир кунда имонлашув куни ташкил этилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаро у ким бўлишидан катъий назар, у хох; ишчи бўлсин, хох хизматчи, хох илм толиби бўлсин, хох мураббий, хох оила бошлиғи бўлсин, хох фарзанд таълим — тарбияни узлуксиз олиб бориш ишида иштирок этиши лозим. Бу жараён боғча, мактаб ўрта махсусларида айниқса фаол амалга оширилиши талаб этилмоқда.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, Ватанни ва халқни фаровонлиги учун буюк янгиликлар, кашфиётлар ярата оладиган, унинг ўтмиши бугуни ва эртасини қафолатлай оладиган

қудратли ва забардаст фарзанддарга айнан ана шу тарбиячи, ўқитувчи, педагогина ягона таянч ва ишонч бўла олади. Бу нарсa биз педагоглар учун фахр ва ифтихор бўлиши билан бирга юксак масъулият ҳамдир.

Хулоса болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш биз ўқитувчилар, ота —оналар олдидаги масъулиятли ва шарафли фазифадир, чунки болаларимиз мустақил давлатимизнинг давомчиларидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1995, 140-бет
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболини асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995, 53-бет.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.:Ўзбекистон, 1994, 67-бет.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.:Ўзбекистон,1993, 4-бет.
5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Тошкент,2000.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.
7. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент, 1992.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил.
10. Философская энциклопедия. 5-Жилд. -М.: Наука, 1970, 462-бет.
11. Тугаринов В.П. О ценностях жизни культуры.- Л.,1960, 3-бет.
12. Алишер Навоий. Хайратул Аброр.Т.:Ғофур Ғулом, 1974, 55-бет.
13. Ўзбекистон овози, 1991 йил 15 сентябрь.
14. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
15. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. Тошкент: Ёш гвардия, 1973.
16. Баратов Н, Алиқулов Х. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
17. Бозоров О, Шодиев Д. Ўрта Осиё тасаввуфши ва ахлоқий қадриятлар. Самарқанд: Зарафшон, 1992.
18. Жумабоев Й. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Тошкент: Фан, 1997.
19. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
20. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент, 1996.
21. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993.
22. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент, 1994.
23. Нишоналиева У. Турсунов И. Педагогика курси. Тошкент, 1996.
24. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

25. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994.
26. Педагогика Н.Ўайбуллаев ва бошқаларнинг маърузалар матни. Тошкент, 2001.
27. Ўзбек педагогикаси тарихи Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. Тошкент, 1997.
28. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар Тузувчилар: А.Зуннунов ва бошқалар Тошкент: Фан, 1996.
29. Р.Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
30. Юсупов Э Ёшларнинг маънавий камолоти. Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
31. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш .Тузувчилар Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов) Тошкент: Шарк, 2000.
32. Туленов Ж.Кадриятлар фалсафаси. Тошкент, 1998. .

